



2020 у. «17» сентябрь

№ К-469

«\_\_\_» 20\_\_ г.

Термиз тумани “Лимонзор” массиви “Янгиобод” маҳалласи худудидан “Muhammad Barokat-55” МЧЖга “Лако-краска маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси”ни қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/422-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/269-сон хатини кўриб чиқиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/422-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Лимонзор” массиви “Янгиобод” маҳалласи худудидан “Muhammad Barokat-55” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 124қ-дала контуридаги 0,50 гектар ялов ер майдони “Лако-краска маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси”ни қуриш учун доимий фойдаланиш хукуки билан ажратилсин.

3. “Muhammad Barokat-55” МЧЖ 0,50 гектар ялов ер майдони “Лако-краска маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси”ни қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 5 838 760 (беш миллион саккиз юз ўттиз саккиз минг етти юз олтмиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб раками 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**

**Т.Боболов**

